

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИДА АЙРИМ ТЕРМИН ВА ТУШУНЧАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА БЎЛГАН ЁНДОШУВЛАР ҲАҚИДА

*Назаров М.И.*

*Ўзбекистон Миллий университети иқтисодий ва ижтимоий география  
кафедраси доценти*

*Эгамбердиева М.М.*

*Ўзбекистон Миллий университети иқтисодий ва ижтимоий география  
кафедраси доценти*

**Аннотация:** Мазкур ишда хизмат кўрсатиш соҳалари географиясида кенг қўлланиладиган айрим термин ва тушунчаларнинг мазмуни кўриб чиқилган ва улардан фойдаланишнинг ижтимоий-географик ёндошувлари асосланган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ва ижтимоий география, хизмат кўрсатиш соҳалари географияси, хизматлар соҳаси, ижтимоий инфратузилма, термин, тушунча, ижтимоий соҳалар, социал иқтисодиёт, сервис географияси.

## ПОДХОДЫ К ИСПОЛЬЗОВАНИЮ НЕКОТОРЫХ ТЕРМИНОВ И ПОНЯТИЙ В ГЕОГРАФИИ СФЕРЫ ОБСЛУЖИВАНИЯ

*Назаров М.И.*

*Доцент кафедры экономической и социальной географии Национального  
университета Узбекистана*

*Эгамбердиева М.М.*

*Доцент кафедры экономической и социальной географии Национального  
университета Узбекистана*

**Аннотация:** В работе рассмотрены термины и понятия, широко используемые в географии сферы обслуживания, их содержание, а также обоснованы социально-географические подходы к их применению.

**Ключевые слова:** экономическая и социальная география, география сферы обслуживания, сфера услуг, социальная инфраструктура, термин, понятия, социальнқе сферқ, социальная экономика, география сервиса.

**КИРИШ.** Ҳозирги даврда замонавий илмий ва ўқув адабиётларда мутахассислар томонидан кенг илмий истеъмолда бўлган ва бевосита иқтисодиётнинг ижтимоий жабҳаси билан боғлиқ, ҳамда мазмун-моҳиятига кўра асосан хизматлар кўрсатиш билан узвий боғланган кўплаб тушунчалар мавжудки, улардан фойдаланиш баробарида кўпчилик ҳолатларда муайян қийинчиликлар юзага келиши табиий. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш ўринлики, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг бирор бир илмий йўналишида бунчалик кўп тушунчалар хилма-хиллигини учратиш қийин.

Ўрганишларнинг кўрсатишича, хўжаликнинг ижтимоий бўғини, яъни хизматлар соҳаси билан боғлиқ юқоридаги тушунчалар турли соҳа вакиллари томонидан соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ҳам турлича номланади ва талқин қилинади. Бу энг аввало, аҳолининг ижтимоий ривожланиши билан чамбарчас боғланган турли туман соҳалар ва улар фаолияти натижаларининг табиати, характери, ўзини намоён қилиш шакли, жойи ва мазмун-моҳияти билан уйғунлашиб кетади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотнинг **асосий мақсади** – таъкидлаб ўтилган тушунчаларни тадқиқ ва таҳлил қилиш асосида, уларнинг ўзаро муштараклиги, тафовутлари ҳамда ҳудудий қирраларини очиб беришдан иборат.

Бу борада, энг аввало қуйидаги **вазифаларни** хал этиш талаб қилинади:

- узоқ ва яқин хориж ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан ижтимоий соҳаларни тадқиқ этилишини комплекс таҳлил қилиш;
- турли соҳа вакиллари томонидан ижтимоий соҳалар билан боғлиқ тушунчаларнинг қўлланилиши хусусиятларини очиб бериш;
- тушунчаларнинг ҳудудий қирраларини аниқлаш ва х.к.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Аввало, шуни айтиш лозимки, *хизмат* – бу, аҳолининг (жамиятнинг) моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган инсон хўжалик фаолиятининг натижаси бўлиб бўлиб ҳисобланади. Хизматларнинг ривожланиши билан аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланади, турмуш даражаси юксалади, алал оқибатда ҳудудларнинг ўзлаштирилиш даражаси ҳам ортиб боради, иқтисодиёт ҳамда аҳолининг турмуш даражаси барқарорлашади.

Ижтимоий соҳаларни тадқиқ этишда, аввало, соҳа мутахассислари, иқтисодчилар, социологлар алоҳида ўрин тутаяди. Ижтимоий соҳаларни шаклланиши ва ривожланишининг ҳудудий қирраларини ўрганишда эса географлар, хусусан иқтисодий географларнинг роли катта.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УСУЛЛАР.** Ижтимоий соҳаларни ривожланишининг назарий методологик масалалари кўплаб узок хориж олимлари томонидан ўрганилган. Бу борада, айниқса В.Кристаллер, А.Лёшларнинг ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Жумладан, штандорт назарияси асосчиларидан бири бўлган немис олимлари В.Кристаллер, А.Лёшлар томонидан ўтган асрнинг 20-30 йилларида ишлаб чиқилган ҳамда илмий жамоатчиликка “Марказий жойлар” номи билан машҳур бўлган концепция [9] ҳам хизматлар соҳасини ташкил қилишга бағишланган илк методологик ишлардан биридир. Аслида, аввал бошда, моҳиятан аҳоли жойлашуви тизимлари билан боғлиқ бўлган мазкур концепция, унга хизматларни уйғунлаштирилиши билан, хизмат кўрсатишнинг иерархик – поғонасимон модели сифатида танилди.

Хизматларнинг терминологик асосларини ўрганишга хорижлик З.И. Беликина, Д. Белл, Т.Д. Бурменко, Ф. Котлер, К. Лавлок, В.Д. Маркова, Б.А. Райзберг ва бошқалар каби иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари бағишланган [14, с.1].

Ижтимоий соҳалар, хусусан хизматларни ўрганишнинг методологик масалаларига бағишланган тадқиқотлар орасида собиқ Иттифоқ даври олимлари томонидан бажарилган ишлар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бу борада, В.М. Рутгайзер, Т.И. Корягина, Т.И. Арбузова ва бошқа олимларнинг тадқиқотларини айтиш жоиз. Ижтимоий соҳалар ва уларни (хусусан хизмат кўрсатиш, сервис, ижтимоий инфратузилмани) ривожланишининг худудий жиҳатларига бағишланган тадқиқотлар орасида С.А.Ковалёв, В.В.Покшишевский, Ю.Г.Саушкин, А.И.Алексеев, Т.В.Райтвийр, С.Я.Ныммик, С.Вайтекунас, М.А.Абрамов, А.А.Ткаченко, Л.А.Бурян, Л.А.Меркушева, П.Н.Чепкасов, С.Б.Лавров, А.А.Анохин, Н.Т.Агафонов каби олимларнинг илмий ишланмалари алоҳида ажралиб туради. Бу даврда, турли соҳа вакиллари орасида, ижтимоий соҳаларни ривожланишининг худудий

жихатларини тадқиқ қилишда, айниқса собиқ Иттифоқнинг етакчи илмий марказлари олимлари томонидан салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳаларни тадқиқ қилишга бағишланган ишлар, аввало соҳа иқтисодчи олимлари томонидан бажарилган. Бу борада, Б.П. Назаров, И.Г. Вольфсон, Н.Қ. Оллоёров, Т.Т. Жўраев, К.С. Саидов ва бошқалар алоҳида ўрин тутди. Улар томонидан амалга оширилган илмий ишланмалар бевосита ижтимоий инфратузилманинг моҳият мазмуни ва Ўзбекистон шароитида ривожланиши масалаларига бағишланган.

Ижтимоий соҳаларни ривожланишининг бевосита географик жихатлари эса А.С. Солиев, О.Б. Ота-Мирзаев, А.А. Қаюмов, М.И. Назаров, Н.Қ. Комилова, М. Хамроев, М. Отажонов ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган.

**МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.** Мавжуд адабиётларда хизматлар ўзининг мураккаб ички тузилиши ва хусусиятидан келиб чиқиб, нафақат юқоридаги каби турлича тушунчалар тарзида ўзини намоён қилиш билан бирга, мутахассислар томонидан уларни тадқиқ қилувчи илмий йўналишларни ҳам турлича номланиши илмий истеъмолда кенг тарқалган. Қуйида мутахассислар томонидан хизматларнинг турлича номланиши ўз аксини топган:

- социал иқтисодиёт;
- хизматлар соҳаси;
- ижтимоий инфратузилма;
- хизматлар географияси;
- хизмат кўрсатиш соҳалари географияси;
- ижтимоий соҳалар географияси;
- ноишлаб чиқариш соҳалари географияси;
- сервис географияси.

Агарда, буларнинг аввалги иккитаси бевосита иқтисодиётнинг реал сектори билан боғлиқ бўлса, қолганлари географияга алоқадордир.

Бинобарин, социал (ижтимоий) иқтисодиёт (социальная экономика), хизматлар соҳаси (сфера услуг) тушунчаларининг мазмуни, уларни миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси эканлиги билан боғлиқ бўлса, қолган тушунчалар эса хизматларни ривожланишининг ҳудудий аспектиларини ўзида мужассам қилади.

Юқоридаги, хизматлар билан боғлиқ тушунчалар турли туман номланишига қарамай, ўрганилаётган воқеа ҳодиса – бевосита хизмат кўрсатиш жараёнининг мазмуни (ижтимоий, яъни инсон) билан чамбарчас боғлиқлиги сабабли, аксарият ҳолларда бир-бирини тўлдирган ҳолда, кескин фарқларга эга эмас. Агарда соҳа мутахассислари, иқтисодчилар томонидан “хизматлар соҳаси” тушунчаси кўпроқ қўлланилса, соф иқтисодий географик тадқиқотларда, аввало соҳа ва унинг ҳудудий жиҳатини англатган ҳолда, “хизмат кўрсатиши соҳалари географияси” деб номлаш кенг тарқалган.

1-жадвал

**Хизматларнинг мазмуни ва таркибига бўлган ёндошувлар**

Ф.И.О.	Хизматларни номланиши	Хизматларнинг мазмуни	Хизматларнинг таркиби
Рутгайзер В.М., Корягина Т.И., Арбузова Т.И. [19, б.5]	Хизматлар соҳаси	Хизматлар соҳаси – бу, ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида аҳолига хизматлар ва маънавий бойликни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш вазифаси юклатилган тармоқлар, тармоқчалар ва фаолият турлари йиғиндисидир.	Уй-жой коммунал хўжалик, аҳолига маиш кўрсатиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тарбия ва ижтимоий таъминот, маданият йўловчи транспорти, аҳолига алоқа хизмат чакана савдо, умумий овқатланиш.
Абрамов М.А. [1, б.14]	Сервис географияси (Хизматлар соҳаси)	Хизматлар соҳаси деб, аҳолининг эҳтиёжларини бевосита қондириш билан боғланган, бажарадиган вазифаларининг умумийлиги бўйича бирлашган, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари тармоқларининг уйғунлигидан иборат.	Савдо, маиший хизматлар, транспорт хизматлари, уй-жой коммунал хўжалик сақлаш.
Горкин А.П. (Ачкасова Т.А.) [18, б.65; стр.107]	Учламчи соҳалар	Турли мамлакат ва минтақаларда, турлича табиий, ижтимоий-иқтисодий ва демографик шароитларда ҳамда	Ахборот хизматлари, молия, транспорт, амаиший хизматлар, таълим, соғлиқни сақлаш тадқиқот ва тажриба конструкторлик иш туризм, қурулди кучлар, маъмурий хизматлар

	географияси (Хизматлар соҳалари географияси)	турлича аҳоли жойлашуви шаклларида, ижтимоий инфратузилманинг компоненти сифатида иқтисодийнинг учламчи сектори (ноншлабчиқариш соҳалари, хизматлар соҳаси)нинг худудий тузилиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганувчи ижтимоий-иқтисодий географиянинг тармоғи. Синоним сифатида хизмат соҳалари географияси терминини ишлатиш мумкин.	
	Инфратузилма	Моддий ишлаб чиқаришнинг фаолият юритиши ва ривожланиши ҳамда аҳолининг кундалик ҳаётини таъминлаш учун зарур бўлган, муайян худудда жойлашган иншоотлар, бинолар, тизим ва хизматларнинг йиғиндисидир.	Электр ўтказиш линиялари, автомобил ва те аэропортлар, сув таъминоти тизимлари ва б
Асанов Г. [6, б.214-215]	Хизматлар географияси	Иқтисодий географиянинг бир тармоғи бўлиб, аҳолига моддий ва ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш хилма-хил турларининг жойлашиши ва территориал ташкил қилинишини ўрганади.	Соғлиқни сақлаш, таълим, томоша ва мада алоқа, юридик, маъмурий фаолият, хавфсиз ва бошқаларни ўз ичига олади. Кенгроқ хизматлар географияси ўз ичига аҳолининг эҳтиёжлари билан боғлиқ чакана савдо овқатланиш, шаҳар транспорти, коммуна баъзан курорт хўжалиги ва туризмни ҳам қа
	Хизматлар соҳаси	Хизматлар соҳаси халқ хўжалигининг шундай тармоғики, у хилма-хил социал-иқтисодий функцияларни бажаради.	Кенг маънода хизмат соҳасига савдо овқатланиш корхоналари, пассажир транспорт коммунал хўжалик, маиший хизмат корх бошқалар кирази
Гаррет Неглл, Крис Спенсер [11, б.140]	Хизматлар соҳаси	Хизматлар деб, товар ишлаб чиқаришдан бошқа ҳар қандай иқтисодий фаолиятга айтилади.	Суғурта, банк иши, транспорт, туризм сақлаш, ахлат тозалаш, кўнгилочар жойл савдо.

Изоҳ: Жадвал, муаллиф томонидан тузилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини таниқли тадқиқотчиларидан бири бўлган М.А.Абрамовнинг таъкидлашича, “сервис” ҳамда “хизмат кўрсатиш соҳалари” тушунчаларини ўзаро синоним деб ҳисоблаш мумкин [1, стр.14].

Қуйидаги жадвалларда соҳанинг етакчи олимлари, мутахассислари томонидан хизматлар соҳасининг мазмуни ва таркибига бўлган ёндошувлар ўз аксини топган.

Ижтимоий ҳаётда юқоридаги тушунчалар орасида “инфратузилма” тушунчаси ҳам кенг қўлланилади. Умуман олганда, инфратузилма – бу, моддий ва номоддий (аҳоли турмуш шароитлари билан бевосита боғланган) соҳаларнинг нормал фаолияти узлуксизлигини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилувчи турли туман нарса ва жиҳозлар, бино ва иншоотлар, тузилмалар, ҳамда хизматлар жараёни йиғиндисидан иборат.

Аксарият илмий жамоатчилик томонидан инфратузилма одатда иккига – *ишлаб чиқариш* ҳамда *ижтимоий* инфратузилмага ажратилади. Бундай ажратиш кўпчилик ҳолатларда шартли аҳамиятга эга бўлсада, улар ўртасидаги муайян тафовутни ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим адабиётларда муаллифлар томонидан инфратузилмани - “инфратузилма тармоқлари” деб, нотўғри номлаш ёки талқин қилиш ҳолатлари ҳам учрайди (Асанов Г., 1990, 86 б.).

Агарда, инфратузилмани мазмун моҳияти, бажарадиган вазифаларидан келиб чиқиб, таҳлил қилсак, у ҳолда унинг мазмуни, ҳоҳ моддий ишлаб чиқаришга хизмат қилишидан қатъий назар, ҳоҳ аҳолининг кундалик ҳаёт шароитларини яхшилашга хизмат қилсин, энг аввало муайян шарт-шароитларни ўз ичига қамраб олганлиги билан гавдаланади.

Демак, бундан шундай хулоса чиқадики, инфратузилма – бу, энг аввало шарт-шароитлар йиғиндисидир. Инфратузилманинг ривожланганлик даражаси билан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси ўртасида муайян алоқадорликлар мавжуд. Бинобарин, ҳудудларнинг транспорт коммуникация, ирригация мелиорация, энергетика, ва бошқа *ишлаб чиқариш инфратузилма* салоҳиятининг юқорилиги, ўз навбатида уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалишига пойдевор яратса, аҳолисининг турмуш даражасини юксалиши эса ўз навбатида, кенгроқ маънода ижтимоий инфратузилма деб аталувчи турли туман ижтимоий (соғлиқни сақлаш, таълим, маданий-маиший, уй-жой коммунал, йўловчи транспорти, спорт ва туризм ва б.) хизматларнинг ривожланганлик даражаси билан боғлангандир.

Г. Асанов кенгроқ маънода эса хизматлар географияси ўз ичига аҳолининг моддий эҳтиёжлари билан боғлиқ чакана савдо, умумий овқатланиш, шаҳар транспорти, коммунал хўжалик, баъзан курорт хўжалиги ва туризмни ҳам камраб олади, деб таъкидлаган [6, б.214-215].

**ХУЛОСА** қилиб айтганда, хизматлар соҳаси нафақат ўзига хос хусусиятлари, мураккаб ички тузилмаси, аҳамияти, хизматларнинг характери, шакл шамоийли, мазмуни билан балки, термин ва тушунчаларининг ҳам турли туманлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мазкур соҳа ва унинг ички таркибий тузилмаларига, фаолият ҳамда ҳудудий таркибига тизимлилик жуда хос. Хизматлар кўплаб соҳа тадқиқотлари учун объект вазифасини ўтайди. Булар ўз навбатида, термин ва тушунчаларнинг турличалигига олиб келган. Аммо, шуларга қарамай хизматларнинг мазмуни бевосита аҳоли, унинг эҳтиёжлари ва унга кўрсатилаётган хизмат турлари билан чамбарчас боғланган. Шулардан келиб чиқиб, улар билан боғлиқ турли термин ва тушунчаларнинг илмий истеъмолда бўлиши табиий ҳолдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абрамов М.А. География сервиса (Сфера обслуживания в СССР). - М.: Мысль, 1985.
2. Азимов Ш. Социал - иқтисодий география: моҳият, мақсад ва вазифалар // Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва геоэкологик муаммолари. Т., 1994.
3. Акрамов З.М. Истиқлол ва география // Ўзбекистон Республикаси География жамияти IV съездиматериаллари. I қисм. - Т., 1995.
4. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь. - М.: Мысль, 1983.
5. Алексеев А.И., Ковалев С.А. Ткаченко А.А. География сферы обслуживания. Калинин, 1988.
6. Асанов Г.Р. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1990.
7. Вайтекунас С. Территориальная организация социальной инфраструктуры. Аналитический обзор.- Вильнюс, 1985.
8. Ковалёв С.А., Покшишевский В.В. География сферы обслуживания как особая экономико-географическая дисциплина. – Итоги науки и техники. География СССР, т. 11. География сферы обслуживания. М., 1976.
9. Кристаллер В., Лёш А. Центральные места южной Германии.



10. Меркушева Л.А. География сферы обслуживания населения: теория и методология. - Красноярск, 1989.

11. Неглл Гаррет. География в диаграммах / Гаррет Неглл, Крис Спенсер. Пер. с англ. Э. Абушаевой, В. Колесова. – М.: ООО «Издательство Астрель»: ООО «Издательство АСТ», 2004. – 176 с.: ил. – (Оксфордские учебные пособия).

12. Ныммик С.Я, Соотношение экономической, социальной и социально-экономической географии. Материалам научного совещания. - Тарту, 1979.

13. Ота-Мирзаев О.Б., Қаюмов А.А. Ижтимоий география: кеча, бугун, эртага // Ўзбекистон Республикаси География жамияти IV съезди материаллари. 1 қисм,—Т., 1995.

14. Отабаев Ш.Х. Развитие сферы услуг – как фактор устойчивого экономического роста // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил. [https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/11\\_Sh\\_Otaboyev.pdf](https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/11_Sh_Otaboyev.pdf) (муружаат вақти – 02.05.2023 й.).

15. Саушкин Ю.Г. Аспекты советской социальной географии // Вопросы географии. Сб.115. 1980.